**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

# МАЖБУРИЙ СУҒУРТА фанидан ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5А3406010 – “Суғурта иши” магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

Тузувчи: и.ф.н., доц. Ф.Бозоров
Тақризчилар: и.ф.н. Х.Шеннаев
и.ф.н., доц. М. Алимардонов

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва олий таълимнинг давлат стандартларига асосан магистратурада "Суғурта иши" мутахассислиги бўйича мутахассислик фани сифатида "Мажбурий суғурта" фани ўқитилади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида Ўзбекистонда амалда бўлган мажбурий суғурта турларини Республика суғурта бозорида тутган ўрни, аҳамияти ўрганилади. Ҳар бир мажбурий суғурта турига алоҳида тўхталиб ўтилади. Шу жумладан, бу суғурта турлари бадалларини ҳисоблаш, қопламаларини тўлаш тартиби, суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолларда далолатномалар тузиш қонун-қоидалари ўрганиб чиқилади.

На основе "Национальной программы по подготовке кадров" и государственного стандарта высшего образования по направлению "Страховое дело" в магистратуре изучается профилирующая дисциплина "Обязательное страхование".

В процессе обучения этой дисциплине раскрываются такие темы, как значение обязательного страхования на страховом рынке Республики Узбекистан, экономическое значение и сущность обязательного страхования. Изучаются все виды обязательного страхования. В частности, изучается порядок исчисления страховых взносов, страховых выплат и порядок составления актов при страховых случаях.

Subject of "insurance" is thought as specialty subject of "insurance" specialty based on Republic of Uzbekistan's "National program of preparing specialists". Process of teaching this subject opens level, importance and essence of insurance in market infrastructure of Republic of Uzbekistan. Estate insurance, personal insurance, responsibility insurance, are completely defined. Orders of making insurance contracts and payments are also learned by this subject.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамизда суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда 2002 йил 14 апрелда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва, "Фуқаролик Кодекси" муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида 1997 йил апрель ойида ва 2002 йил январ ойида Президент Фармонлари қабул қилинди.

### Мақсад ва вазифалари

"Мажбурий суғурта"фанининг асосий мақсади Олий ўқув юрти талабаларининг Ўзбекистонда амал қилинаётган мажбурий суғурта турларининг республика суғурта бозорида тутган ўрни, иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва қонуний асосларини ўрганишдир.

Бу фаннинг вазифасини талабаларда суғурта тўғрисидаги билимни шакллантириш, шунингдек, шу билим ва кўникмаларни суғурта амалиётида қўллай олиш, мажубурий суғурта турлари билан таништириш ташкил этади.

Бу фан талабалардан иқтисодий билимлар асосин, шу фанлар билан алоқасини, амалдиги қонунларни, меъёрий ҳужжатлар, қарорларни қўллай олиш, шунингдек, компьютердан, жадвал ва слайдлардан фойдалана олиш кўникмалари бўлишини талаб қилади.

**Бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

"Мажбурий суғурта" фани "Суғурта назарияси", "Суғурта иши", "Суғурта ҳуқуқи", "Чет мамлакатлар суғуртаси", "Ўзбекистон суғурта бозори", "Суғурта бизнеси", "Молия", "Иқтисодий таҳлил" каби фанлар билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Бу фанларнинг суғурта бозорини ўрганишда ва таҳлил қилишда аҳамияти каттадир.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Маъруза машғулотлар мавзулари

### "Мажбурий суғурта" фанининг предмети ва вазифалари

*Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида мажбурий суғурта турларининг ўрни, аҳамияти ва роли.* Фаннинг предмети ва вазифалари. Мажбурий суғурта турлари классификацияси мажбурий суғурта фаолиятини мукаммаллаштириш ҳамда сугурта муносабатларини шакллантириш.

### Мажбурий суғуртанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

*Мажбурий суғурта тизимида қўлланиладиган хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: қонунлар, фармонлар, қарорлар ва йўриқномалар таҳлили ҳамда улардаги қўшимча ва ўзгаришлар.*

### Йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси ва уни бозор шароитида ривожланитириш масалалари

*Ўзбекистон Республикасида йўловчиларнинг мажбурий суғуртасини ўтказиш ва суғурта тўловлари бўйича транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби.* Йўловчи умумий меҳнат қобилиятини йўқотган ва ҳалок бўлган тақдирда суғурта пуллари миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

### Парвозларда қатнашувчи учувчилар ва техникавий хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбурий суғуртасини такомиллаштириш масалалари

*Парвозларда қатнашувчи учувчилар ва техникавий хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбурий суғуртасининг иқтисордий моҳияти ва аҳамияти.* Суғурта шартномаси тузиш, суғурталанган шахс вафот этиши ёки умумий меҳнат қобилиятини доимий йўқотиши муносабати билан суғурта пулини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

**Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг мажбурий суғуртасини такомиллаштириш масалалари**

*Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртасининг аҳамияти.* Суғурта пули тўлашга ҳужжатларни расмийлаштириш. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг мажбурий суғуртасига доир ишни назорат қилиш.

**Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология разведка ишлари тизимлари ходимларининг мажбурий суғуртаси**

*Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология разведка ишлари тизимлари ходимларининг мажбурий суғуртасининг моҳияти.* Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

**Давлат солиқ органлари ходимларининг мажбурий суғуртасини такомиллаштириш йуллари**

*Солиқ органлари ходимларининг мажбурий суғуртасининг моҳияти ва аҳамияти.* Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

**"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК техникавий хизмат кўрсатувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар мажбурий суғуртаси**

*"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК техникавий хизмат кўрсатувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар мажбурий суғуртасининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.* Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг гаровга қўйилган мол-мулкининг мажбурий суғуртаси**

*Гаровга қўйилган мол-мулк мажбурий суғуртасининг хуқуқий асослари.* Суғурта бадалларининг тўловчилари. Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

**Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкини мажбурий суғуртаси**

*Қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкини мажбурий суғуртасининг иқтисодий моҳияти.* Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мулкининг суғуртасига доир тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг қийматини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, бинолари, иншоотлари ва бошқа мулклар қийматини аниқлаш.

**Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси**

*Суғурта объектлари ва субъектлари. Суғурта ҳодисалари. Суғурта объектларини ҳисобга олиш.* Суғурта шартномаси. Суғурта пуллари ва тўловлари. Суғурта бадаллари миқдорини камайтириш. Транспорт воситаларини хорижий эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси. Жабрланувчи шахснинг ҳуқуқи, регресс. Суғурта ташкилотлари иши юзасидан вужудга келган норозиликни кўриб чиқиш тартиби.

**Аудиторлар жавобгарлиги суғуртасини бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш масалалари**

*"Ўзагросуғурта" ДАСКда олиб борилаётган аудиторлар жавобгарлиги суғуртаси.* Шартнома тузиш, суғурта бадалини тўлаш, суғурта ҳодисаси юз берганда зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта далолатномасини тузиш, суғурта қопламасини тўлаш.

**Нотариуслар жавобгарлиги суғуртаси**

*Нотариуслар жавобгарлиги суғуртасининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурияти.* "Ўзагросуғурта" ДАСКда олиб борилаётган нотариуслар жавобгарлиги суғуртаси. Шартнома тузиш, суғурта бадалини тўлаш, суғурта ҳодисаси юз берганда зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта далолатномасини тузиш, суғурта қопламасини тўлаш.

**Мажбурий суғурта бадалларидан фонд ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш**

*Суғурта ташкилотлари томонидан суғуртага олиниши керак бўлган мол-мулк нобуд бўлиши, шикастланишининг олдини олиш, шунингдек, транспортдаги йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини маблағ билан таъминлаш тартиби.*

**Хорижий мамлакатларда мажбурий суғурта тизими ва улардаги янгиликлар**

*АҚШда амалга ошириладиган мажбурий суғурта турлари. Европада мавжуд мажбурий суғурта тизими.* МДҲ мамлакатларида амалга ошириладиган мажбурий суғурта турлари.

## 3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

**"Мажбурий суғурта" фани предмети ва вазифалари**

Республика суғурта бозорида мажбурий суғурта турларининг ўрни, аҳамияти ва роли*. Фаннинг предмети ва вазифалари. Мажбурий суғурта турлари классификацияси.

**Мажбурий суғуртанинг ҳуқуқий асослари**

Мажбурий суғурта тизимида қўлланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: қонунлар, фармонлар, қарорлар ва йўриқномалар таҳлили*.

**Йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси**

Йўловчиларнинг мажбурий суғуртасини ўтказиш ва суғурта тўловлари бўйича транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби*. Йўловчи умумий меҳнат қобилиятини йўқотган ва ҳалок бўлган тақдирда суғурта пуллари миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

**Парвозларда қатнашувчи учувчилар ва техникавий хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбурий суғуртаси**

Парвозларда қатнашувчи учувчилар ва техникавий хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбурий суғуртасининг моҳияти ва аҳамияти*. Суғурта шартномасини тузиш. Суғурталанган шахс вафот этиши ёки умумий меҳнат қобилиятини доимий йўқотиши муносабати билан суғурта пулини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

## Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг мажбурий суғуртаси

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг мажбурий суғуртасининг аҳамияти*. Суғурта пули тўлашга ҳужжатларни расмийлаштириш. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг мажбурий суғуртасига доир ишни назорат қилиш.

## Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология разведка ишлари тизимлари ходимларининг мажбурий суғуртаси

Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология разведка ишлари тизимлари ходимларининг мажбурий суғуртасининг моҳияти*. Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

## Солиқ органлари ходимларининг мажбурий суғуртаси

Солиқ органлари ходимларининг мажбурий суғуртасининг моҳияти ва аҳамияти*. Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

## "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК техникавий хизмат кўрсатувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар мажбурий суғуртаси

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК техникавий хизмат кўрсатувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар мажбурий суғуртасининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти*. Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

## Гаровга қўйилган мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси

Гаровга қўйилган мол-мулк мажбурий суғуртасининг ҳуқуқий асослари*. Суғурта бадалларини тўловчилари. Суғурта бадалларини ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби.

## Қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкининг мажбурий суғуртаси

Қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкини мажбурий суғуртасининг иқтисодий моҳияти*. Қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкининг суғуртасига доир тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг қийматини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, бинолари, иншоотлари ва бошқа мулклар қийматини аниқлаш.

## Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси

Суғурта объектлари ва субъектлари. Суғурта ҳодисалари. Суғурта объектларини ҳисобга олиш*. Суғурта шартномаси. Суғурта пуллари ва тўловлари. Суғурта бадаллари миқдорини камайтириш. Транспорт воситаларини хорижий эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси. Жабрланувчи шахснинг ҳуқуқи, регресс. Суғурта ташкилотлари иши юзасидан вужудга келган норозиликни кўриб чиқиш тартиби.

## Аудиторлар жавобгарлиги суғуртаси

"Ўзагросуғурта" ДАСКда олиб борилаётган аудиторлар жавобгарлиги суғуртаси*. Шартнома тузиш, суғурта бадалини тўлаш, суғурта ҳодисаси юз берганда зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта далолатномасини тузиш, суғурта қопламасини тўлаш.

**Нотариуслар жавобгарлиги суғуртаси**

Нотариуслар жавобгарлиги суғуртасининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги*. "Ўзагросуғурта" ДАСКда олиб борилаётган нотариуслар жавобгарлиги суғуртаси. Шартнома тузиш, суғурта бадалини тўлаш, суғурта ҳодисаси юз берганда зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта далолатномасини тузиш, суғурта қопламасини тўлаш.

**Мажбурий суғурта бадалларидан фонд ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш**

Суғурта ташкилотлари томонидан суғуртага олиниши керак бўлган мол-мулкнинг нобуд бўлиши, шикастланишининг олдини олиш, шунингдек, транспортдаги йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини маблағ билан таъминлаш тартиби*.

**Хорижий мамлакатларда мажбурий суғурта тизими**

АҚШ да амалга ошириладиган мажбурий суғурта турлари*. Европада мавжуд мажбурий суғурта тизими. МДҲ мамлакатларида амалга ошириладиган мажбурий суғурта турлари.

## КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида суғурта муносабатларини такомиллаштириш масалалари.
2. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг шаклланиши ва уни ривожлантириш босқичлари.
3. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда суғуртанинг роли.
4. Ўзбекистон шароитида суғурта бизнесини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Суғурта бизнесини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.
6. Суғурта бизнесини ташкил этишда маркетинг ва менежмент.
7. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта компаниялари фаолиятларини тартибга солиш ва назорат қилиш.
8. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида суғурта тизимини ташкил этишдаги асосий йўналишлар.
9. Ўзбекистон Республикасида мажбурий суғурта турлари ва уларни ташкил қилиш масалалари.
10. Жаҳон суғурта бизнесини ривожлантиришдаги асосий тенденциялари.
11. Ўзбекистон иқтисодий шароитида ихтиёрий суғуртани ривожлантириш истиқболлари ва муаммолари.
12. Суғурта компаниялари фаолиятини солиққа тортиш тизими.
13. Суғурта компаниялари фаолиятини аудит қилиш.
14. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари.
15. Суғурта турлари бўйича тариф ставкаларини оптималлаштириш масалалари.
16. Суғурта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш.
17. Жисмоний шахслар мол-мулкларини суғурталашни ривожлантириш масалалари.
18. Юридик шахслар мол-мулкларини суғурталашни такомиллаштириш масалалари.

19. Суғурта компаниялари даромадлари ва харажатлари таркиби ва уларни иқтисодий таҳлил қилиш.
20. Суғурта компанияларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.
21. Ҳаётни суғурталаш ва уни республикамизда ривожлантириш истиқболлари.
22. Қайта суғурталашни амалга ошириш тартиби ва Ўзбекистон шароитида уни ўтказиш муаммолари.
23. Жавобгарликни суғурталаш турлари ва уни республикамизда қўллаш масалалари.
24. Тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш ва уларни ривожлантириш муаммолари.
25. Экспорт ва импорт операцияларини суғурталаш.
26. Молиявий таваккалчиликларни суғурта қилиш тартиби.
27. Тиббиёт суғуртасини ривожлантириш масалалари.
28. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш.
29. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини суғурталашни ўзига хос хусусиятлари.
30. Ўрта ва кичик бизнесни суғурталашни ривожлантириш масалалари.
31. Йўловчилар ҳаётини суғурта қилишни ташкил этиш.
32. Банк кредити таваккалчиликларини суғурта қилиш механизми.
33. Автомобил транспорти воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини суғурталаш масалалари.
34. Фуқароларнинг банкдаги омонатларини суғуртавий ҳимоя қилишдаги халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўлланилиши.
35. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари манфаатларини суғурта қилишда "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг роли.
36. Ривожланган давлатларда суғурта бзнесини ташкил этиш хусусиятлари, улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва чегаралари.
37. Ўзбекистон Республикаси шаҳарларида мулкий суғурталаш турларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.

## 4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Ушбу фанни ўқитишда замонавий техника воситаларидан, Интернет ва қуйидаги информацион техник воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Интернет тармоғи:

- e-mail: mail@finstat.ru
- http://www.finstat.ru
- e-mail: valeo@etel.ru
- http://www.alpina.ru
- e-mail: alpina@olf.ru

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ баллари миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорда белгиланади.*

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ ёзма иш усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.*

Бу фанни ўқитиш соатлари 1-курс магистрантлари учун 40 соат маъруза, 40 соат амалий машғулот, 40 соат мустақил таълим қилиб белгиланган.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади.* Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқитаётган деб ҳисобланади.* Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор академик) деб ҳисобланади.*

Демак, оралиқ баҳолашда энг юқори балл 28,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 15,4 баллдан - 28,0 баллгача тўплаши мумкин. Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 28,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 15,4 баллдан - 28,0 баллгача тўплаши мумкин. Якуний баҳолашда эса юқори балл 24,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 13,2 баллдан - 24,0 баллгача тўплаши мумкин.

Семестр давомида фан бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло";
- 71 - 85 - "яхши";
- 55 - 70 - "қониқарли".

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат 1992, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. - Т.:1996. (52-боб қаранг).
3. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги Қонуни. 2002 йил апрель.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Т.: Ўзбекистон 1997.
5. Балабанов И. Т. Занимательное страхование. - М.: Финансы и статистика 2002.
6. Воблый К. Основы экономии страхования. - М.: Анкил 2000.
7. Гомелл Г. Основы страхавого дела. - М. Соминтэк 2001.
8. Зубец А.Н. Страхавой маркетинг - М.: Анкил 2000 г.
9. Страхавое дело. Учеб. Под ред. Рейтмана - М. 2000.
10. Страхование от А до Я. Книга для страхователя -М.: Инфра-М, 2000.
11. Собиров Ҳ. Суғурта (100 савол ва жавоб) - Т.: Меҳнат, 1998.


### Қўшимча адабиётлар


1. Басаков М.И. Страхавое дело - М.:ПРИОР 2002.
2. Ефимов С.Л., Лозовский Л.Ш., Райзберг Б.А., Радновский А.А. Словарь страховщика - М.: Экономика, 2000.
3. Пфайффер К. Введение в перестрахование - М.: Анкил, 2000.
4. Юлдошев Р.Т. Страхавой бизнес Словарь - справочник - М.: АНКИН, 2000.
5. Фогельсон Ю. Введение в страхование - М.: БЕК 1999.
6. Шахов В.В. Страхование - М.: Юнити 2001.
7. "Ўзагросуғурта" ДАСК ни ташкил этиш туғрисида" ги УзР ВМ нинг 1997 йил 25 февраль қарори.
8. "Кафолат" ДАСК ни ташкил этиш туғрисида" ги ЎзР ВМ нинг 1997 йил 14 март қарори.
9. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш туғрисидаги ЎзР ВМ нинг 1997 йил 18 февраль қарори.

"Ўзагросуғурта" ДАСК, Корхоналар мол-мулкини суғурталаш қоидалари, 1997 йил 27 сентябрь.